

## **ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОЛИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТАДОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Иманова Умида Бахтиёровна**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси “Иқтисодиёт ва молия”

Кафедраси PhD., дотценти., кафедра илмий тадқиқотчиси

**Аннотация:** мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларини бошқариши ва улардан самарали фойдаланиши бўйича методологик хусусиятлар таҳлил қилинган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари, харажатларнинг таркиби ва уларнинг самарадорлиги ва ҳисобдорлилигини ошириши, молиявий бошқарув жараёнларини рақамлаштириши йўналишиларига эътабор қаратилган. Мақолада маҳаллий бюджетларни самарали бошқариши бўйича халқаро тажрибалар ўрганилиб, уларни амалиётга жорий қилиши таклифлари берилган. Уибу тадқиқот маҳаллий даражада давлат молиясини янада барқарор қилишга қаратилган тавсияларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджетлар, молиявий ресурслар бюджетни режалаштириши, ресурсларни бошқариши, методологик таҳлил, шаффоффлик ва ҳисоботлилик, маҳаллий даромад манбалари, давлат ҳусусий шериклик, бюджетни рақамлаштириши, молиявий мониторинг, аудит тизими, самарадорликни ошириши, молиявий бошқарув, қонунчилик ислоҳати, молиявий барқарорлик, солиқ сиёсати, маҳаллий даражадаги инновациялар, молиявий стратегиялар, молиявий назорат, давлат молияси

**Ключевые слова:** местные бюджеты, финансовые ресурсы, бюджетное планирование, управление ресурсами, методологический анализ, прозрачность и отчетность, местные источники доходов, государственно-частное партнерство, цифровизация бюджета, финансовый мониторинг, система аудита, повышение эффективности, финансовое управление, законодательные реформы, финансовая устойчивость, налоговая политика, инновации на местном уровне, финансовые стратегии, финансовый контроль, государственные финансы.

**Аннотация:** В данной статье проведен методологический анализ управления финансовыми ресурсами местных бюджетов и их эффективного использования. Особое внимание уделено источникам доходов местных бюджетов, структуре расходов, повышению их эффективности и отчетности, а также цифровизации процессов финансового управления. В статье рассматривается международный опыт эффективного управления местными бюджетами и предлагаются рекомендации по его внедрению в практику. Данное исследование включает в себя

рекомендации, направленные на повышение устойчивости государственных финансов на местном уровне.

**Keywords:** local budgets, financial resources, budget planning, resource management, methodological analysis, transparency and accountability, local revenue sources, public-private partnership, budget digitalization, financial monitoring, audit system, efficiency improvement, financial management, legislative reforms, financial stability, tax policy, local-level innovations, financial strategies, financial control, public finance.

**Abstract:** This article presents a methodological analysis of the management and efficient utilization of financial resources in local budgets. Special attention is given to the sources of local budget revenues, expenditure structure, enhancement of efficiency and accountability, as well as the digitalization of financial management processes. The article examines international practices of effective local budget management and provides recommendations for their implementation. This research includes recommendations aimed at improving the sustainability of public finances at the local level.

## КИРИШ

Маҳаллий бюджетлар мамлакатнинг ижтимоий –иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Улар орқали ҳудудлар ахолисининг фаровонлиги, инфратузилма ривожи ва давлатнинг асосий хизматлари таъминланади. Бироқ, маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларни бошқаришнинг мавжуд методологик асослари замонавий талаблар ва ривожланаётган иқтисодий шароитлар билан ҳар доим ҳам ҳамоҳанг эмас. Ушбу вазият маҳаллий бюджетлар ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва уларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, бошқа норматив ҳужжатлар давлат бошқарувини янада марказлаштириш ва маҳаллий ҳокимият органлари имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган. Ушбу ислоҳотлар маҳаллий бюджетлар учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини яратмоқда. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларни бошқаришнинг методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўлларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун маҳаллий бюджетлар тузилмаси, уларнинг шакилланиши ва тақсимланиши, шунингдек, мавжуд муоммолар ва уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, хорижий тажриба таҳлил қилиниб, уни миллий шароитга мослаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Тадқиқот натижалари маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришга хизмат қиласиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишига асос бўлади. Шу тариқа, тадқиқот иқтисодий таъминлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш жараёнларига ҳисса қўшади.

## Адабиётлар шарҳи

Маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларни бошқариш масалалари бўйича илмий –адабий манбалар таҳлили ушбу соҳада турли назарий ёндашувлар ва амалий тажрибалар мавжудлигини кўрсатади. Халқаро ва миллий тадқиқотлар маҳаллий бюджетлар бошқарувининг самарадорлигини ошириш бўйича қатор ёндашувларни таклиф қилган.

Маҳаллий бюджетларни шакиллантиришнинг методологик асослари кўплаб тадқиқотларда кенг ўрганилган. Хусусан, Мусграве ва Растроу каби иқтисодчилар бюджетларнинг тақсимланиш барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб –куватлаш функцияларини таъкидлаб, уларнинг иқтисодий ривожланишда муҳим ўрин тутишини кўрсатган. Ушбу ёндашувлар маҳаллий бюджетларнинг вазифаларини аниқлашда назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар тузулиши ва уларни бошқариш бўйича асосий методологик масалалар давлатнинг молиявий сиёсатини тақомиллаштиришга қаратилган хужжатларда акс этган. Жумладан, “Бюджет кодекси” маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатларнинг аниқ тартибини белгилаб беради. Қонунчилик базасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маҳаллий даромадларни ошириш ва ресурслардан самарали фойдалниш учун худудий ўзига хосликларни ҳисобга олиш зарурати мавжуд.

Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг хорижий тажрибаси ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Европа мамалакатлари тажрибасида фискал марказлашув ва маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини ўюнғуллаштириш орқали бюджет самарадорлигини ошириш муҳим ўрин тутади. Германия ва Швецияда маҳаллий ҳокимиятлар бюджетни режалаштиришда юқори даражадаги автономияга эга бўлиб, бу уларга худудий эҳтиёжларни самарали қондириш имконини беради. Шу билан бирга, АҚШ да давлат - хусусий шериклик (ДХШ) механизмларидан кенг фойдаланиш маҳаллий бюджетлар ресурсларини жалб қилишнинг муҳим воситаси сифатида тан олинган.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларни бошқариш масалаларида 2025-2027 йиллар учун консолидациялашган бюджет параметрлари прогнозлари глобал иқтисодий ноаниқликлар ва геосиёсий зиддиятлар туфайли ташқи хатарлар сақланиб қолиниши инобатга олинниб ишлаб чиқилган.

Бунда, ҳукумат томонидан ташқи ва ички таъсирларга мослашувчан фискал сиёsat олиб борилиши мақсад қилинган бўлиб, бунинг натижасида 2027 йилга бориб Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадлари 2022 йилдаги ЯИМнинг 28,8 фоизидан 26,1 фоизигача, харажатлари 32,3 фоизидан 28,1 фоизигача пасайиши прогноз қилинган.

Маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан базавий ер солиғи ставкаларига камайтирувчи ва ошириш коэффициентларини қўллашининг афзалликлари ҳақида ёзишда, шунчаки уларнинг ижобий ва салбий томонларини

таҳлили қилиш мумкин. Бу йўналишдаги афзалликлар ва камчиликларини қўйидагича келтириш мумкин.


Маҳаллий хўжаликни ўзига мослаштириш яъни ер солиги ставкаларига камайтирувчи ёки ошириш коэффицентларини қўллаш, маҳаллий ҳокимиятларга ўзларининг иқтисодий вазиятига мослашиши имконини беради. Агар бирор худудда аҳолининг даромадлари паст бўлса, камайтирувчи коэффицентлар қўлланилиши, ёки иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришни рағбатлантириш учун ставка оширилиши мумкин.

Яна бир афзалликларидан бир тури маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш бўлиб, базавий ер солиги ставкалариغا камайтирувчи ёки ошириш коэффицентларини қўллаш, маҳаллий ҳокимиятларга ўз бюджетларини шакиллантиришда фойда келтириши мумкин. Агар худудда кўпроқ даромад мавжуд бўлса, ставка оширилиши бюджетга кўпроқ маблағ тушишини таъминлайди ҳамда ижтимоий - иқтисодий тенгликни таъминлаш бўлиб, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қўлланиладиган коэффицентлар, аниқ бир худуднинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳисобга олишга имкон беради. Бу аҳолининг турли гуруҳларга имтиёзлар бериш ёки уларни иқтисодий имкониятларига мувофиқ солиқ юкламасини тартибга солади. Ижтимоий - иқтисодий тенгликни таъминлаш, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қўлланиладиган коэффицентлар, аниқ бир худуднинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳисобга олишга имкон беради. Бу аҳолининг турди гуруҳларга имтиёзлар бериш ёки уларни иқтисодий имкониятларига мувофиқ солиқ юкламасини тартибга солишга ёрдам беради.

Маҳаллий ҳокимиятлар, агар ерни маҳсус табиатни муҳофаза қилиш ёки экологик фаолиятлар учун ажратишни хохласалар, аниқ ҳудудларда солиқ ставка ва коэффицентларини ўзгартиришга имкониятига эга бўладилар.

Маҳаллий органлари ер солиқларига оид коэффицентлар орқали маҳаллий бюджетга киримларни тартибга солиш ва уларни ўз худудидаги инфраструктураларни фойдаланишга имконият беради.

Камчиликлари – ер солиги коэффицентларини ўзига хос, номуносиб белгилаш коррупцияга ёки мафаатларнинг тор доирага таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин.



1-расм. 2023-2024 йилларда Давлат бюджети даромадлари тузилмаси, трлн сўм [ 4]

2024 йилда Давлат бюджети даромадлари кўрсаткичларига нисбатан 100 фоизга бажарилиб, ҳақиқатда ижроси 271 трлн сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 39,3 трлн сўмга ёки 17 фоизга кўп.

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 87,7 трлн сўмни ташкил қилган. Бу ўтган йилги даромадларга нисбатан 14,6 трлн сўмга ёки 20 фоизга кўп. 2024 йилда бевосита солиқлар Давлат бюджети даромадларининг 32,4 фоизини ташкил қилган.



1-жадвал Маҳаллий бюджет параметрларининг 2025 йил учун прогнозлари, даромадлари [4]

трлн сўм

	<b>Даромадлар*</b>	<b>Трансферт**</b>	<b>Харажатлар***</b>
<b>Жами</b>	<b>66,3</b>	<b>17,1</b>	<b>83,4</b>
1. Коракалпоғистон Республикаси	3,4	2,2	5,6
2. Андіжон вилояти	4,5	2,1	6,6
3. Бухоро вилояти	4,5	0,8	5,3
4. Жиззах вилояти	2,6	0,9	3,5
5. Кашқадарё вилоғи****	5,4	0,7	6,1
6. Навоий вилояти	3,3	0,1	3,4
7. Наманган вилояти	4,0	2,1	6,1
8. Самарқанд вилояти	6,2	1,7	7,9
9. Сурхондарё вилояти	3,5	1,9	5,4
10. Сирдарё вилояти*****	1,9	0,6	2,5
11. Тошкент вилояти†	6,7	0,3	7,0
12. Фарғона вилояти	6,0	2,0	8,0
13. Хоразм вилоғи*****	3,2	1,2	4,4
14. Тошкент шаҳри*****	11,1	0,3	11,4

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозимлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тақчиллигига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг тегишли даромадлар прогнозларидан ошган қисмини қоплаш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар ажратиш орқали

амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига 2025 йилда 17,1 трлн сўм (шундан, акциз солиғи тушумлари ҳисобидан 3,2 трлн сўм) тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар ўтказилиб берилиши прогноз қилинган.

Маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларининг методологик хусусиятларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш йўллари ҳақида қуидагиларини айтиш мумкин:

Маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш учун, мавжуд манбаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш зарур. Бу асосан маҳаллий даромадлар ва харажадлар балансини ўрганишни, шунингдек бюджетни тўлдириш учун янги манбаларини излашни ўз ичига олади.

Бюджетни бошқаришда самарали метадологияларни қўллаш зарур. Бу, ўзгарувчан иқтисодий шароитларда маҳаллий бюджетларнинг барқорорлигини таъминлаш учун илгор методлардан фойдаланишни англатади. Масалан, прогнозлаш методларини қўллаш, бюджетларнинг ҳар хил қисмларини алоҳида ўрганиш ва мониторинг қилишдан иборат.

Маҳаллий бюджетларни шакиллантиришва амалга оширишда замонавий технологияларни қўллаш, айниқса, электрон бюджет тизимлари ва онлайн мониторинг тизимлари орқали жараёнларни автоматлаштириш ва шу орқали бюджетнинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Маҳаллий даражада бюджетни шакиллантиришда ресурсларнинг тенг тақсимланишига эътибор қаратиш зарур. Бу жамиятнинг барча қатламларига фойда келтирадиган ижтимоий жиҳатларини кўзда тутиш ва давлат дастурларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Бошқарув тизимини яхшилаш – маҳаллий бюджетларни бошқаришда, молиявий бошқарув тизимни такомиллаштириш учун ходимлар малакасини ошириш, ички назорат тизимларини кучайтириш ва бюджетни кузатиш жараёнларини аникроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳаллий бюджетлар учун янги қонунчилик ва давлат сиёсатинишилаб чиқиши, маҳаллий ҳокимиятлар вабюджетни бошқарувчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек маҳаллий бюджет тизимини глобал тенденцияларга мослаштириш зарур.



3-расм. Маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларининг методологик хусусиятларини аниқлаш йўллари


молиявий ресурслар – бу давлат, хусусий сектор ва жисмоний шахслар томонидан молиявий фаолиятни амалга ошириш учун ишлатадиган маблағлар ва активлар йиғиндисидир. Молиявий ресурсларнинг таҳлили бу маблағларнинг шакилланиши, тақсимланиши ва самарадорлиги бўйича чуқур ўрганиш жараёнидир.



4 – расм. Молиявий ресурсларнинг асосий манбалари

Молиявий ресурсларнинг тақсимланиши- бу давлат ва хусусий сектор томонидан мавжуд маблағларини турли иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга йўналтириш жараёнидир. Ушбу жараён жамиятнинг иқтисодий барифрўрлиги ва ривожланишни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Давлат молиявий ресурсларни қуидаги асосий йўналишларга тақсимлайди:



5-расм. Давлат бюджети доирасида тақсимот

Маҳаллий бюджет харажатларини янада самарали бошқариш учун қуидаги чора тадбирларини амалга ошириш лозим.



6-расм. Маҳаллий бюджет харажатларини такомиллаштири йўллари

Маҳаллий бюджетлар мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий барқарорлиги ва ривожланишида муҳим ўрин тутади. Уларнинг самарали бошқарилиши худудларнинг ривожланиши, инфратузилма такомиллашиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қиласди. Ушбу тадқиқот маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларини бошқариш ва уларни такомиллаштириш йўлларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда мавжуд муоммолар таҳлил қилиниб, уларни бартарф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кенгайтириш, молиявий ресурсларнинг тақсимланишида самарадорликни таъминлаш ва бюджетни рақамлаштириш орқали бошқарувни такомиллаштириш зарур. Бунинг учун давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бўйича янги стратегик ёндашувларни жорий этиш ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий шароитга мослаштириш, молиявий мониторинг ва аудит тизимларини кучайтириш орқали маҳаллий бюджетларнинг шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш керак. Бюджет харажатларини самарали бошқариш ва молиявий барқарорликни сақлаб қолиш учун инновацион ёндашувларни жорий этиш, худудий эҳтиёжларга мос равища ресурсларни тақсимлаш муҳим ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларини янада самарали бошқаришга, худудларнинг иктисодий ривожланишини қўллаб-қувватлашга ва умумий давлат молиясининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси – Тошкент, “Адолат” нашриёти, 2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисидаги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025-2027 йилларда давлат бюджети параметрларини шакллантириш концепцияси” тўғрисидаги қарорлари.
5. Мусграве Р., Раствор У. “Фискальная политика и экономическое развитие” – Москва, “Финансы и статистика” нашриёти, 2021.
6. Стоун Д. “Местные финансы: управление и стратегия” – Санкт-Петербург, “Питер” нашриёти, 2022.

7. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисоботлари – Тошкент, 2023.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати "Худудий молия ресурсларини бошқариш ва самарадорликни ошириш бўйича қонунчилик хужжатлари" – Тошкент, 2023.
9. Бюджет шаффоғлигини таъминлаш бўйича Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботлари – 2022-2023 йиллар.
10. Европада маҳаллий бюджетларни бошқариш тажрибаси: Германия, Франция ва Швецияда бюджет сиёсатини ривожлантириш – Брюссель, Европа иқтисодиёт институти, 2023.
11. Долгова О.В. "Государственные финансы и бюджетная политика" – Москва, Юрайт, 2022.
12. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш стратегияси – Тошкент, 2023.
13. Халқаро молиявий институтлар томонидан чоп этилган Маҳаллий бюджетлар ва молиявий барқарорлик бўйича 2023 йилги статистик таҳлил – Жаҳон банки, ХВЖ, 2023.
14. Смит А., Кейн Дж. "Бюджетное планирование и финансовая стратегия" – Нью-Йорк, Oxford University Press, 2021.
15. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш ва рақамлаштириш бўйича "IFRS ва маҳаллий бюджетлар бошқаруви" – Лондон, 2022.